



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI HOKIMINING QARORI

Namangan sh. Istiqlol ko‘chasi 57.

2021 - yil 12 - oktabr

307-6-0-Q/21

Namangan viloyati hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Нурланиш олишнинг индивидуал дозаларини назорат қилиш ва ҳисобга олиш ягона давлат тизими тўғрисида” 2021 йил 29 сентябрдаги 613-сон қарори ижроси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Нурланиш олишнинг индивидуал дозаларини назорат қилиш ва ҳисобга олиш ягона давлат тизими тўғрисида” 2021 йил 29 сентябрдаги 613-сон қарори ижросини вилоятда таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 25-моддаларига мувофиқ,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Нурланиш олишнинг индивидуал дозаларини назорат қилиш ва ҳисобга олиш ягона давлат тизими тўғрисида” 2021 йил 29 сентябрдаги 613-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

қуйидагиларни назарда тутувчи Нурланиш олишнинг индивидуал дозаларини назорат қилиш ва ҳисобга олиш ягона давлат тизими тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқланганлиги:

амалдаги санитария нормалари ва қоидалари, гигиена нормативларига мувофиқ назорат қилинадиган барча нурланиш манбаларида индивидуал нурланиш дозасини назорат қилиш ҳамда ҳисобга олиш;

нурланиш олишнинг индивидуал дозалари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш тартибини белгилаш, маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда уларни таҳлил қилиш;

таҳлиллар натижаси бўйича нурланиш олишнинг аҳолига таъсирини баҳолаш ва унинг таъсир қилиш даражасини камайтириш бўйича тизимли чоралар кўриш;

Вазирликлар ва идоралар фаолияти давомида ионлаштирувчи нурланиш

манбаларидан фойдаланувчи ташкилотларда 2021 йил якунига қадар нурланиш олишнинг индивидуал дозаларини назорат қилиш ва ҳисобга олиш тизимини ташкил этиши ҳамда нурланиш олишнинг индивидуал дозаларини назорат қилиш ва ҳисобга олиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматига иловадаги низомга мувофиқ маълумот бериб бориши эътиборга олинсин.

3. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати вилоят бошқармаси (М.Тўрабеков) манфаатдор бошқарма ҳамда идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган меъёрий ҳужжатларни бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 сентябрдаги 613-сон қарорига мувофиқлаштирсин ва ушбу қарор талаблари асосида иш ташкил этсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Ғ.Муродхужаев зиммасига юклансин.

Viloyat hokimi



Sh.Abdurazakov